



Савол:

Менинг уйим, ўзим узок сафарда бўлиб, вақтинча, ўзимга керак бўлмагани сабабли, фойдаланиб туриш учун бир дўстимга берганман, ана шу уйдан закот чиқаришим керакми ва закотни айни рамазонда берилиши лозимми?

Жавоб:

Агар уйингиз ижара учун хосланган бўлмаса, у ўзингиз яшайдиган уй бироқ узокдалигингиз сабабли бировлар Аллох йўлида фойдаланиб туришган бўлса ундан закот бермайсиз, аммо уйингизни ижарага берган бўлсангиз, ижара ҳақки нисобга етадиган миқдорда бўлса, иттифок килинган пайтда пулни олган бўлсангиз у бир йил мобайнида сизнинг мулкингизда турса ёки иттифок килингандан кейин йилнинг охирида пулни кўлингизга олсангиз закотини чиқарасиз, чунки иттифок килинган кундан бошлаб пулга эга киши ҳукмига ўтгансиз. Аммо ижорадан келадиган пул нисобга етмаса бошқа пулларингизга кўшилган ҳолда бир йил мобайнида мулкингизда турса, унинг закотини чиқарасиз, акс ҳолда закот чиқарилмайди. Агар уйнинг асли сотиш учун, пул банд қилиш учун олинган бўлса унинг закотини бериш фарз бўлади.

Закотни бир йилда бир марта берилади, рамазонда бериш шарт эмас, одамлар ҳисоблаш осонроқ бўлиши ва ибодат, баракот оyi бўлгани учун рамазонда закот чиқарадилар. Аслида эса одам бирор оyiни белгилаб олиб фақат ўша ойда закот чиқарса бўлаверади. Белгиланган оyi хижрий камарий оyi бўлиши керак.